

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
«САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ» ФАКУЛЬТЕТИ
«АВТОМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» КАФЕДРАСИ**

ТОШПУЛАТОВА ХОЛИДА НАЗАРОВНА

**«СОЗЛАНУВЧИ МОДЕЛЛИ ДИНАМИК ТИЗИМЛАРНИ
АДАПТИВ БОШҚАРИШ АЛГОРИТМИ»
(Қарши магистрал канали мисолида)
мавзули 5523800 – «Технологик жараёнлар ва
ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)»
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

Раҳбар: катта ўқ Усмонова.Р.С.

Қарши – 2014 й.

Созланувчи модели динамик тизимларни адаптив бошқариш алгоритмлари (Қарши магистрал канали мисолида)

Режа:

Кириш.

I Боб Динамик объектларни адаптив бошқариш тизимини синтез қилиш масаласи ва алгоритми.

1.1 Технологик жараён бошқариш объекти сифатида.

1.2 Адаптив бошқариш тизимларини бошқаришни усул ва алгоритмлари.

1.3 Қарши магистрал канали ҳақида.

II Боб Созланувчи модели динамик тизимларни адаптив бошқариш алгоритмлари

2.1 Стохастик объектларнинг структураси ва моделларининг параметрлаштиришнинг тўпламларининг таснифи.

2.2 Умумлашган энг кичик квадратлар усули асосида стохастик объектларни идентификациялаш

2.3 Бошқарилувчи стохастик объектларни идентификациялашни адаптив алгоритми.

2.4 Адаптив ростлагичларни мослашувчан параметрларини баҳолаш алгоритми.

2.5 Суғориш тизимлари каналларида сув тақсимотини ростлаш ва автоматлаштириш схемаси.

2.6 Дискрет П.ИД ростлагични параметрик синтези

III Боб Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

IV Боб Техник иқтисодий ҳисоб.

V Атроф муҳит муҳофазаси.

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

КИРИШ

БМИнинг долзарблиги

Фан техника ривожланиш даврида ишлаб чиқаришда меҳнат унумдоргини ва маҳсулот сифатини оширишнинг асосий йўлларида бири бу технологик жараёнларни бошқаришдир. Технологик жараёнларни бошқариш усуллари ишлаб чиқиш масаласи автоматик қурилмалари ва технологик жараёнларни автоматик бошқариш масаласига тизимли ёндашиш доирасида замонавий усуллар қўллаб ечиладиган масаласидир.[1.2]

Масалага бундай ёндашиш бошқариш назариясига оид турли саволларга айниқса биринчи ўринда идентификация ва оптималаштиришни комплекс текриришни талаб этади.

Янги технологик жараёнларнинг пайдо бўла бориши бу фан ва техниканинг турли соҳаларида эришилган комплекс ютуқлар натижасидир. Замонавий бошқарув тизими параметрик, адаптив ва мультипликатив характерларнинг ички ва ташқи норозилик таъсири шароитида ишламоқда. Бошқарувнинг асосий масалаларини қуйидаги бешта синфга бўлиши мумкин: детерминациялашган бошқарув масалалари, масалани баҳолаш эҳтимоллик бошқарув; тавсивномаларни аниқлаш (идентификация) масалалари, атаптив (мослашувчан) масалалари.

Улар ичида адаптив масалалар алоҳида ўрин эгаллайди. Биз ушбу ишда суғориш майдонларида сув тақсимооти жараёнини автоматлаштиришни ўрганиб такмиллаштириш йўллари кўриб чиқдик.

Турли мақсадлар учун ишлатишга яроқли бўлган сув ер юзидаги умумий сувнинг (25 млн.кубни) 4-5 минг куб.кмни яъни бутун гидрофера ҳажмининг қарийб 0.30% ни ташкил этади.

Бизнинг асримизда сув саноат хом ашёси бўлиб, жуда қимматбаҳодир. Масалан 1т чўян олиш учун 300 куб.метр 1т мис 500 кубли, 1т резина ва 1т синтетик каучик 3500 куб метрдан, 1т никелга 4000 куб м сув керак бўлади.

Сув ерда организмнинг яшаши ва улар ҳаёт фаолияти жараёнининг ривожланишини таъминлайди. [2.3]

Сув таъмитоти инсон ҳаёт ва янада тараққий этишида муҳим муоммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мутахассислар фикрича, сайёрамизга сув тансиқлиги муомласи хавф солмоқда, бунда асосий сув манбаалари -дарё ва сизот сувлар деярли тугайди.

Қарши дашти – Ўзбекистоннинг жануби ғарбида икки миллион гектар майдонни ўз ичига олган, шимолда Зарафшон дарёси ҳамда Жанубий Амударё билан чегарадош. Марказий Осиёдаги йирик унумдор ерни деҳқончиликка яроқли майдонидир.

Доимо ўсиб боровчи сув энергия ва моддий ресурслар танқислиги ирригацияда ресурслар ва энергияни тежаш муаммосини биринчи даражали масалалар сафига чиқариб қўймоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш йўлларида бири, бу сув тўсиқлар, сув тақсимооти ва оқимнинг гидравлик энергияси тизими базасида суғориш ишларини автоматлаштиришдир. (3.5)

БМИ да сув чиқариш иншоотларини каналларни тўлиш ва тушиш даври ҳамма нормал эксплуатация даврида танланган, юқори бьеф учун сув тақсимоотиини комбинирланган автоматлаштириш схемаси ўрганилиб, воситали адаптив бошқариш схемаси ёрдамида сув чиқиш тушиш жараёни ростланади.

Доимо ўсиб боровчи сув, энергия ва моддий ресурслар танқислиги ирригацияда вақт ўсиши билан адаптацияга йўқотишлар “0”га интилади.

Суғориш тизимлари каналларида сув тақсимооти жараёнини бошқариш аниқлигини ошириш мақсадида дискрет ПИД-ростлагичдан фойдаланилади.

БМИнинг объекти ва предмети

Тадқиқот объекти бўлиб Қарши магистрал канали ва унинг суғоришда ишлатиладиган тармоқлари ўрнатилган автоматик бошқариш тизимлари хизмат қилади.

Тадқиқот предмети динамик тизимларни воситали адаптив бошқариш алгоритминини оптимал вариантини аниқлаш. (3.9)

Тадқиқот усуллари.

Ишга олдинга қўйилган масаларни ечиш учун математик статистика, интегро- дифференциал тенгламалар, бошқарув назарияси, идентификация ва оптимал ечимлари топиш усулларида фойдаланиш.

БМИ мақсади бўлиб созланувчи модели динамик тизимларни адаптив бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқаришдан иборат.

Олдинга қўйилган мақсадга эришишда қуйидаги тадқиқот масалалари ресурслар ва энергияни тежаш муоммосини биринчи даражали масалалар сафига чиқариб қўйди. Бу муоммоларни ҳал этиш йўлларида бири сув тақсимооти ва оқимларни гидравлик

энергияси тизими базасида суғориш ишларини автоматлаштиришдир.

Мавзуни ўрганиш даражаси.

Чиқиш вектори y ва n ўлчовли кириш вектори бўлган динамик тизимни чекли айирмали стохастик тенглама билан ифодаланган бошқариш объекти ўрганилади.

Умумлаштирилган энг кичик квадратлар усули ёрдамида стохастик объектларни идентификацияланади.

Динамик регрессион моделлар ёрдамида бошқариладиган стохастик объектларни идентификациялашни адаптив алгоритмлари ишлаб чиқилади.

Адаптив ростлагичларни мослашувчан параметрларини баҳолаш алгоритми, ростлаш ва адаптация алгоритмини ҳолат тенгламалари ёзиб олинади.

Динамик объектларни оптимал адаптив бошқариш масаласи кўриб чиқилган. Мумкин бўлган бошқаришга таъсирлар кетма – кетлиги шундай тузиладики ечиминитопиш зарур;

Стохастик объектларнинг структураси ва моделларининг параметрлаштирилган тўплamlари таснифи;

Умумлашган энг кичик квадратлар усули асосида стохастик объектларни идентификациялаш

Бошқарилувчи стохастик объектларни идентификациялашни адаптив алгоритми;

Адаптив ростлагичларни мослашувчан параметрларини баҳолаш алгоритми;

ПИД ростлагични параметрик синтези;

БМИ нинг амалий аҳамияти.

Созланувчи модели динамик тизимларни адаптив бошқаришда ПИД регулятордан фойдаланиш ҳисобига адаптация жараёни қисқа вақтда ўтишини таъминлаш ҳисобига, суцв тақсимотини автоматик бошқаришни оптимал вариантини топиш имконияти яратилади. Бу сув тақсимотини турли режим шароитида оптимал бажариш имкониятини туғдиради.

БМИ доирасида суғориш тизимлари каналларида сув тақсимоти жараёнини ростлаш схемаларини самарадорлигини таҳлил қилиш учун бошқариш тизимини моделлаштириш, объектнинг реал диапозонда технологик параметрлари ўзгаришидагши динамик характеристикани ўрганиш, унинг поғонали ғалаёнларга реакциясини аниқлаш мумкин.

БМИ иши кириш 2 та боб, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, техник – иқтисодий ҳисоб, атроф-муҳит муҳофазаси,хулоса,фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб таҳлилий хусусиятга эга бўлиб, унда динамик объектларни адаптив бошқариш тизимини синтез қилиш масаласи ва алгоритми таҳлил этиб берилган.

Объектларнинг ажратилган синфларини автоматик ва автоматлашган бошқаришнинг асосий хусусиятлари акс эттирилган.

Танқидий нуктаи- назардан бошқаришнинг амалдаги усулларининг қиёсий таҳлиллари бажарилган.

Тадқиқот ишнинг асосий масаласининг мазмуний ҳолати берилиб, асосий сув ҳайвонлар ва ўсимликлар катаклари ва тўқимаси таркибига киради.

Тирик организмнинг физиологик эҳтиёжини фақат сув ва бошқа ҳеч нарса қондирмайди.Тирик организм 19\20% сувини йўқотса ҳалок бўлади.

Сувсиз ер тупроқсиз ва атмосферасиз Назардан бошқаришнинг тош шарга айланган бўларди.

Ердаги иқлим ва об-ҳаво кўп жиҳатдан сув бўшлиқларига боғлиқ.Сув иқлим ва об-ҳавонинг ғилдираги.

Саноат ва маиший эҳтиёжларга катта миқдорда сув сарфланади.Саноатда унинг асосий қисми энергия ишлаб чиқариш ва совитиш учун ишлатилади.Қайта ишлаш саноатида сувнингкўп қисми турли технологик жараёнларга сарфланади: эритиш аралаштириш, тозалаш.

Сув таъминоти инсон ҳаёти ва янада тараққий этишида муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.Мутахасисларнинг фикрича, сайёрамизга сув таанқислиги муаммоси хавф солмоқда, бунда асосий сув манбалари дарё ва сизот сувлар деярли тугайди.

Ичиш учун 1 литрида 1г туз бўлган сув яроқли ҳисобланади.

Суғориш учун ҳам тахминан шундай сув керак.

Мақсадига аниқлик киритилган ва асосланганлиги етарли бажарилган.

Иккинчи бобда воситали адаптив бошқариш тизимида идентификация ва бошқаришнинг алгоритмлари келтирилган.Стохастик объектларнинг структураси ва

моделларининг параметрлаштирилган тўпламларининг таснифи, умумлаштирилган энг кичик квадратлар усули асосида стохастик объектларни идентификациялаш адаптив ростлагичларни мослашувчан параметрларини баҳолаш алгоритми, дискрет ПИД ростлагични параметрик синтезлари олинган.

I Боб. Динамик объектларнинг адаптив бошқариш тизими синтезининг масаласи ва алгоритми.

1.1 Қарши магистрал канали ҳақида

1963 йил Қурилиши бошланган Қарши Магистрал Каналининг лойиҳа бўйича Амударё 1-насос станциягача бўлган бош ўзан қисми-21,4 км узунликда тупроқ соҳилдан иборат . Каналнинг бош ўзан қисмида сизот сув сатҳи канал тубидан юқори бўлгани учун каналда сув сизилиши сезилмайди.

Каналнинг шу қисмининг ғарб томонида ёпиқ сизот сув қувури ўтказилган. Улар диаметри 300-400 мм ли асбестоцемент қувурлардан икки қават шағал тошли қум билан қопланган икки-тўрт қатордан иборат. Сизот сувлар махсус қудқуқларда жамланиб, кейин насос ёрдамида каналга оқизилади. Каналнинг ПК 77 +00 белгисидан №1 дренаж насос станцияси, ПК 95+00 белгисидан №2 дренаж насос станцияси, ПК 120+00 белгисидан №3 дренаж насос станцияси қурилган. Улар 1975 йил ишга туширилиб, барчаси электродвигатели 5 НД насос билан жиҳозланган. Ўрнатилган насосларнинг жами сув чиқариш ҳажми 750 л/сек.

Каналнинг №1 насос станциясидан олтинчи насос станциясигача соҳиллари нишаблиги 10 см қалинликдаги монолит темир бетон билан қопланган.

Канални бетон қисмининг кўндаланг кесимидаги энининг туб қисми 7,0 метр ён соҳилининг баландлиги 10,27 метр, ёнбағир қиялик коэффиценти 2,5 -3,0 нишаблик – 0,00015 каналда сувнинг тезлиги 0,95-1.5 м/сек.

Канал бўйлаб ўнг соҳилда эни 4,5 метр, асоси 25 см қалинликда шағал тош аралашма бўлган ва усти 7 см қалинликда асфалт бетон қопламали кузатув назорат йўли бор.

Ҳар бир насос станциянинг сув қуйиш иншооти устида эни 6 метр булган куприк қурилган.

Каналнинг насослар орасидаги масофалар:

НС-1дан НС-2гача-20,41 км

НС-2дан НС-3гача-1,14 км

НС-3дан НС-4гача-19.84 км

НС-4дан НС-5гача-4.33 км

НС-5дан НС-6гача-8.39 км

НС-6дан НС-7гача-3 км

НС-6дан ПК-0,00гача-0.3 км

Миришкор(олдинги Ульянов) магистрал канали йилда реконструкция қилиш,каналнинг бош қисми кенгайтирилди ва сув ўтказиш ҳажми $120\text{м}^3/\text{сек}$ га тенг бўлган қувурсимон уч кузли сув ўтказгич қўйилади.

Каналнинг ишчи қисмига сув ўтказиш имконияти $200\text{м}^3/\text{сек}$ бўлган айланма каналнинг 0,00 ПКдаги темир бетондан ишланган сув ростлагич (регулятор) орқали сув берилади.

Айланма каналнинг 0,00ПКдаги сув ростлагич канални икки қисмга:

--айланма канал,

Таллимаржон сув омборига сув ташловчи 7 насос станциясининг сув ўзанига ажратади.

Талимаржон сув омборининг 2 тўғонида ПК144 белгида сув чиқариш қуввати $350\text{м}^3/\text{сек}$ бўлган сув чиқариш иншооти (водовыпуск)орқали сув чиқарилиб, 162ПКда Қашқадарё вилояти ичимлик сув ҳайдаш корхонасига

узлуксиз равишда тиниган тоза сув беради. Ундан ўтиб айланма каналга уланиб 178ПК дан Қарши Магистрал Каналининг ишчи қисмига қўшилади.Қарши Магистрал Каналининг бош қисмида канал оқими бўйлаб ПК 296 ва ПК 364 ларда тошқин сел сувларини ўтказиб юборишга мўлжалланган сув ўтказиш ҳажми $60\text{м}^3/\text{сек}$ бўлган иккита акведук (нова осма қувур) қурилган.

Акведукнинг узунлиги 42,24 метр, тиргаклар оралиғи 6 метрдан кесими 30х35 см бўлган темир бетон қозиқоёқлар учларига устун ўрнатилган.Лоток тағлиги қалинлиги 15см бўлган бетондан ишланган.

Қарши Магистрал Каналида кетма, поғонама жойлашган насос станциялари биринчи насос станциясида 17,5 метр, кейинги 2 6 насос станциясида 20,0 метрдан 25 метргача баландликка сув чиқариб жами Амударё сувини 132,2 метр баландликка кўтариб беради.

Хар бир насос станциясида 6 тадан жами 36 насос агрегати ўрнатилган.

Насос станция таркибига:

— аванкамера,асосий ва ёрдамчи ускуна жиҳозларни ўз ичига олган насос станция биноси.

— юқори босимли қобирғали сув ўтказувчи метал қувур (босим трубопровод),

— сифон типидани сув ташлаш иншооти,

— сув ташламаси киради.

Канал насос станциясига яқинлашган сайин кенгайиб аванкамерага уланиб кетади.

Аванкамеранинг узунлиги 34,65 метр,эни 39,5 метр,таглигининг қиялиги 1-4, Б-200 В-2 маркали монолит темир бетондан ишланган.

Насос станция биноси: Тўғри бурчакли шаклда.

Бино узунлиги:Монтаж майдончаси билан бирга-- 72 м,эни -- 24 м. баладлиги --42 м,насос ўқлари орасидаги масофа --75 м.

Насос станцияга кириб келувчи канал қисми монолит темир бетондан ишланган. Деворнинг гидроизоляцияси тупроқ томонидан қалинлиги 3 см бўлган битумли қоплама билан қопланган.

Ушловчи конструкцияси-- металдан ишланган бўлиб, юк кўтариш қуввати 100 таннагача бўлган козловой кранга мослаштирилган.Ташвқи деворлар йиғма темир бетон панелдан иборат.Томига рубероид тўшалган, асфалт ёйилган. Плита кўринишли пенобетон иситгичли.

Монтаж майдони чап (ўнг НС—1да) томондан насос станция биносига туташган ва шу бино конструкцияси бўйича қурилган.

Юқори бьефга сув диаметри 3600 мм,қиялиги 1-4,5 бўлган босимли пўлат қувур орқали ҳайдалади.

Ҳар бир босимли қувур 5 тадан таянчга ва иккитадан сальникли компенсаторга эга.Юқори бьефда сув ваккумни узиш клапани билан жиҳозланган сифонли сув ташлагичли сув қўйиш иншоотида қўйилади.

Сув қўйиш иншооти тўғри оқимли ариқ кўринишида узунлиги 32,6 м эни 50,2 м.

- Сув урулувчи қудуқ ВМ –200, В2 маркали темир бетондан ишланган.Қудуқ тубининг узунлиги –15м, қия қисми узунлиги – 22,46м. Қудуқнинг эни -43,2м, темир бетон плита қалинлиги -1,5м.

- Сув қўйиш иншооти устидан 60 тонна юк кўтариш имкониятига эга бўлган, эни 6м.ли кўприк қурилган.
- Насос станция ОПВ10-260 насос агрегати билан жиҳозланган. Насос ўқли, ишчи ғилдирагининг кураклари гидроузатгич орқали бурулувчи вертикал кўринишга эга.
- Насос вали иккита Х18Н9Т пўлат қобикли ДСП -1 ёғоч пластик қоқилган йўналтирувчи подшипника ўрнатилади. Подшипникларни мойлаш ва совутиш ТУ 2606-655-70 ва ТУ-157-68 га мувофиқ, таркибида 0,4г/л гача қум кучмаси бўлган тиндирилган тоза сув орқали амлга оширилади. Иккала подшипникнинг сув сарфи 4-5 л/сек.
- Насос станцияларининг қуйидагича техник курсатгичлари
- Сув чиқариш сарфи- 26- 39 м³/сек.
- Босим- 24м.
- Айланиш сони- 250 айл/мин.
- Электродвигател қуввати- 12500 квт
- Насос агрегати ВДС- 375/130- 24 русумли “Уралэлектротяжмаш” заводида таёрланган синхрон электр двигател билан ҳаракатга келади. Электр двигател ва насос валлари қаттиқ фланец орқали бирикади.
- Насос станциядаги насос агрегатларининг бир маромда ишлашини таъминлаш учун ёрдамчи ускуналар ўрнатилган. Подшипникларга мойлаш учун тиндирилган сув 2КМ- 6 типли насос ёрдамида ҳайдалади. Тиндирилган сув горизонтал ҳавзадан олинади.
- Насос станция(- НФ,6 НФ,НДС)типли сўрувчи ва дренаж мосламаси комплекси билан жиҳозланган. Ўт ўчириш тизими учун 4КМ- 12 бирламчи сув ҳайдаш насоси ўрнатилган.
- Насос станция сув олиш жойи бир қатор жойлашган оқувчи хас- хашакларни тутиб қолувчи панжара, насос биноси олдида сув остига туширилувчи, сирпанувчи, ясси таъмирловчи кулфатлар ўрнатилган. Ҳар бир насос агрегатида курувчи

ёпилиши керак бўлган ташламанинг эни 6,5м, баландлиги 7м. Буускуналарни монёвр қилиш мақсадида юк кўтариш қуввати 2х16 тн, кран таянчлари оралиғи 8м. бўлган 135 ЦД №5 кўприкли кран ўрнатилган.

- Насос станциясидаги юкларни кўтариши 50/10 тн, таянчлари оралиғи 13,5 м бўлган стандарт электр кўприкли кран орқали амлга оширилади.
- Насос станциясидаги юкларни кўтариш ва транспортировка қилиш юк кўтариш 50/10 тн, таянчлари оралиғида 13,5 м бўлган стандарт электр кўприкли кран орқали амалга оширилади.
- Насос станция иншоотларига юқори бьефни ростлаб турувчи, сув ўтказиш қуввати 40м³/сек бўлган авария ҳолатида сув ташлашга мўлжалланган ташлама киради. Бу иншоотнинг кириш қисми ПК- 84 моделидаги 3,0х3,0- 7,0м ўлчамли АВВ ясси қулфак билан жиҳозланган.
- Насос агрегатларининг сифонли сув қўйиш иншооти автоматик тарзда ишловчи клапан- вантузали аэрацион трубалар билан жиҳозланган.
- Насос станциядаги жиҳозларнинг жойлашуви
- Насос станциядаги асосий электр энергия истеъмолчиси ОПВ русумли насос ва унинг ВДС русумли электродвигателлари ҳисобланади.
- Хусусий эҳтиёжларни таъминлаш учун ТМ – 630 /10 русумли, ҳар бирининг қуввати 630кВА,
- 10/0,4-2 дона трансформатор ўрнатилган.
- Насос станциядаги ҳамма ёрдамчи ток ўтказгичларнинг ўрнатилган қуввати – 1000 кВт,
- - 380/220тақсимлаш шити ПНС русумли панелдан 2 сексияга терилади. Трансформаторлардан бири ўчиб қолганда ҳамма юклама 380/220 тақсимлаш шити шинасидаги АВР(Захирани автоматик қўшгич) орқали иккинчи трансформаторга қўшилади.

- Насос агрегатини қўшиб – ўчириш навбатчи ходим томонидан берилган импульс орқали автоматик тарзда бажарилади.
- Электродвигатель учун қуйидаги ҳимоя релелари назарда тутилган:
- - РНТ- 565 релесиди, уч фазани бажарувчи дифференциал ток ҳимояси қўринишида тайёрланган , куп фазали қисқа туташувдан ҳимоя.
- - РТ-84/1 релсидаги электр двигатели ортиқча юкламасидан ҳимоя,
- - Уйғотгич чуғгами занжирида пайдо бўлган ўзгарувчан токга сезгир асинхрон ҳаракатдан ҳимоя,
- - Насос подшипникларини совутиш тизимида сув йўқлигида,
- - ТСМ – 100 русумли монометрик термометрларни датчик сифатида қуллаб электр двигател подпятниги ва подшипниги қизишидан,
- - кичик кучланишда ва 220қвли тармоқдаги қисқа туташувдан ҳимоя,
- - Қуйи ва юқори бьеф сатҳи,ёғ- мой ваннасидаги мойнинг қуйи ва юқори даражаси РП- 40 релеси орқали огоҳлантирувчи сигнал бериш билан назорат қилинади.
- - электродвигател ва ҳаволи совутгич ҳарорати Л – 64 логометри орқали назорат қилинади.
- - Дренаж сувларини чиқариб ташлаш тизими моқрой потернани қуритиш каби ёрдамчи тизимлар огоҳлантирувчи товуш сигнали бериш орқали автоматлаштирилади.
- - Асосий ва ёрдамчи ускуналарни меъёрий иш режимидаги бузилишдан огоҳлантирувчи ёруғлик ва товуш сигнализаторлари ишлайди.

Марказий сигнал схемаси

- - авария ҳолати – сирена ёғ- мойли қўшгич(масленый включатель) узилганидан.

- -дарҳол ўчириш талаб этилмайдиган бузилишда - кўнғироқ – иш режими бузилганидан огоҳлантиради.
- Ёғ мойли кўшгич (масленный включатель)ларда ҳолатларнинг рангли ёруғлик сигнали (қизил ва кўк лампа) кўшгич аврия ҳолатда ўчганда ёниб – ўчувчи мослама орқали огоҳлантиради.
- Ҳимоя иши ҳар бир панелда ва РУ кўрсаткич реледа “Блиinker не поднят” ок чирокли сигналда қайд этилади.
- Насос станцияда электр двигател подпятниги қизиганида огоҳлантирувчи сигнал мавжуд.
- Созланувчи модели динамик тизимларни адаптив бошқариш алгоритми бошқармалари эди.Иш бош лойиҳачи ташкилоти С.Я.Жук номидаги номидаги “Гидропроект” илмий қидирув институти Куйбешив филиали бўлиб канал қурилиши бошлангунча 27- экспедицияси ер тузулиши бўйича топографик тадқиқотлар ўтказди.
- 27 – экспедициянинг бош геологи А.Юсупов, топографик партияси бошлиғи В.Шкаликов эди. Топографик тадқиқотлар натижалари бўйича:
- №1 насос станция Қарши Магистрал Каналининг ПК 204 + 37,41 белгисида
- №2 насос станция Қарши Магистрал Каналининг ПК 411 + 19,64 белгисида,
- № 3 насос станция Қарши Магистрал Каналининг ПК 424 + 70,96 белгисида,
- №4 насос станция Қарши Магистрал Каналининг ПК 626 + 37,41 белгисида,
- Автойўл кўприги ПК 589+50 белгисида
- №5 насос станция Қарши Магистрал Каналининг ПК 672 + 32,20 белгисида,

- №6 насос станция Қарши Магистрал Каналининг ПК 758 + 15,90 белгисида қурилиши назарда тутилиб иш қурилиш монтаж бошқармалари томонидан қабий график асосида бошлаб юборилган. Қилинаётган ишларни лойиҳа асосида олиб борилаётганини, қурилиш объектларидаги иш сифати ва суръатини доимий назорат қилиш, маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда бош лойиҳанинг баъзибир қисмларига заруратга қараб ўзгартириш киритиш мақсадида лойиҳа муаллифи С.Я.Жук номидаги “Гидропроект” илмий қидирув институти Куйбишев филиали вакили Г.К.Костюченко раҳбарлигида бир гуруҳ мутахассислар қурилишга жалб этилди.
- Қарши Магистрал Канали ва насос станциялар каскади объектларида қурилишнинг марказий лаборатория томонидан ўтказилган тупроқ ишлари тахлили қуйидагича бўлади:
- тупроқ намлиги 8,4\ 11,6% гача
- тупроқнинг хажмий вазни 1,85\1,92/см³ оралиғида,
- тупроқ қобигининг хажмий вазни --1,69 /1,73 г/см³
- Бу курсаткичлар лойиҳа талаби ва техник шартларига тўла мос келиб қўрилиш жараёнларини узлуксиз, жадвал суратларда давом эттириш имконини берибди.
- 1968 йил июнь.”Гидропроект”институтнинг 27-экспидитцияси томонидан барча тадқиқот натижалари жамланиб, насос станцияси каскадидаги котлован пойдевори асоси контурини якуний далолатномаси тузилди.Унда насос станциялар пойдевори плиталарининг асоси белгилари ва схемалари,тупроқнинг лаборатория тадқиқотлари видимости, котлован ва пойдевор асосининг геологик ҳужжатлари тақдим этилиб, қуйдагилар қайд этилди
- -241 ,65 белги майдонида невировка ўтказилганида тупроқ олинмаган қатлам лойиҳадаги 30 см ўрнига ҳар бир объект рельефига қараб 50 – 60 см чегарасида бўлган
- - 242,15 белгили майдонда олинмай қолган қатлам 30- 40 см. Тупроқни битонлашга тайёрлаш жараёнида узул кесил лойиҳа курсаткичига мослаштириш назарда тутилди.

- - 1968 йил август ойида 2 ва 3- насос станцияларнинг котлованлари “ер ости қисми” қурилиши “Қаршигидрострой” трестига қарашли 7- ҚМБ (бошлиғи Пак П.Б.) томонидан бошланди
- 4 насос станциянинг котлован “ер ости қисми” қурилиши “Қашигидрострой”трестига қарашли 6 ҚМБ (бошлиғи Лазурин В, В. Сашинко) томонидан бошланди
- НС – 1котлованида контурга сизот сув яқин бўлгани учун у ерда дренаж мосламаси ўрнатилди . Бу мослама котлованни тўлиқ курук сақлош имконини берди. Сизот сувлар 3К- бва 4К-8 русумли насослар ёрдамида чиқариб ташланди.Котловонларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида насос станциялар пойдеворининг физико – математик хоссасига кўра:
- тупроқ қобиғининг оғирлиги- $1,57 \text{ г/см}^3$
- сувга тқйинган ҳолатда ички кирилиш коэффиценти – 0,6 кф,
- - боғланиш $-0,03 \text{ кг /см}^2$ эканлиги аниқланди.
- Бу курсатгичларлойиҳа талабларига тўлиқ мос келади деб топилди.

1. 2. Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни бошқариш объекти сифатида.

Фан- техника ривожланиш даврида ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини оширишнинг асосий йўлларида бири- бу технологик жараёнларни бошқаришдир.Технологик жараёнларни бошқариш усуллари ишлаб чиқиш масаласи, автоматик қурилмалар ва технологик жараёнларни автоматик бошқариш масаласига тизимли ёндашиш доирасига замонавий ечиладиган масаладир.

Масалага бундай ёндошиш бошқариш назариясига оид турли саволларига йниқса биринчи ўринда идентификация ва аптималлаштиришни комплекс тэкширишни талаб этади

Замонавий маҳсулот ишлаб чиқариш технологик объектларнинг мураккаблиги ва улар орасидаги функциясини

тизимлаштириш, бошқариш функциялари ўсиши ва бошқариш тизимларнинг жиҳозларга бўлган умумий капитал ҳаражатига нисбатан қиймати ошиб бориши билан ажралиб туради.

Янги технологик жараёнларнинг пайдо бўла бориши бу фан ва техниканинг турли соҳаларида еришилган комплекс ютуқларининг натижасидир. Ҳар бир технологик объект каби ҳар бир технологик линияга ярим фабрика ёки тайёр маҳсулотни ва улар асосида бошқаришга тасирни ҳисоблаш алгоритми. Бу алгоритм ўзаро боғлиқ равишда ишлайди. (7) га адаптив тизимларни бошқаришни маълум усуллари умумлаштирилган ва ишлаб чиқаришнинг чиқиш сигналларини ўлчаш имкониятларини мавжуд бўлмаганда, турли типдаги чиқиш бўйича объектлари учун адаптив тизимларни қуришнинг янги принциплари ишлаб чиқилган. Кенгайтирилган хатоликлар усули ва кечикувчи типдаги турли объектлар учун юқори тартибли алгоритмларни татбиқининг натижалари келтирилган.

Юқори тартибли адаптация алгоритмларининг конструкциялашни янги принциплари таклиф тилган ва асослаб берилган. Адаптив прогностордан фойдаланадиган ва усиз бошқаришларни адаптив тизимини кечикувчи бошқаришли объектлари синтезланган кечикувчан ва кечикмайдиган чизиқли. Турли тилдаги динамик объектлари: учун чизиқли эмас. Кетма кет компенсатор лардан фойдаланиб адаптив ва рабост бошқариш тизимларини янги принциплари тадқиқ этилган. (15) га чексиз сондаги гармоникларнинг йиғиндисидан номаълум таълуқли ғалаён қўйилган объектларга адаптив бошқариш усулининг эталон тоделли тизими таклиф этилган. Бу адаптив бошқариш эталон моделни чиқиши билан изидан объект чиқишини берилган этилини таъминлайди. (16) га моделнинг юқори размерлиги билан ҳарактерланадиган кўп сонли кириши вачиқиши ўзгарувчиларга эга, шунингдек параметрик ва структуравий ноаоник мураккаб тизимларни бошқариш усуллари ва назарий асослари келтирилган. Қисман чизиқли апроксимация моделлари, ўртачалантириш усули ва сингуляр ғалаён билан боғлиқ, тақрибий декомпозиция методологияси келтирилган. Авторлар томонидан тезлик градиенти усули базасига асосланган бошқариш ва адаптация, ошкормас эталон моделнинг пассив фиксацияси, юқори тартибли адаптация алгоритмларининг

соддалаштирилган робастмодификацияси ва шунга ўхшаш қатор оригинал концепция ва усуллар келтирилган,

Тавсифланган усулларнинг механик тизимлари чизиқли бўлмаган бошқариш масалаларига тадбиқи қаралган.

(17)га ўрганилган адаптив бошқаришлар чизиқли матрицали тенгсизликлар орқали ифодаланган, бу уларни сонли текширишини ярим аниқланган дастурлаш масалани ечиш орқали аниқлаш имкониятини яратади. Асосий натижа сифатида шу ўрнатилган оддий адаптив стратегия асимптотик турғунликни аниқмас параметрларни кенг ўзгариш чегарасида ўлчамай ёки баҳоламай гарантиялаш имкониятини яратади.

бундай натижа олиш учун турғунликнинг сусайтирилган шароити қаралади: тенглик ҳолати (кордината боши)га эмас унинг кичик атрофига яқинлашишини исботланади Кейинчалик ушбу атрофни талаб етилган даража шунчалик кичик бўлиши кўрсатиладики: реализация қилиш имконияти ягона чекланиши бўлади.

(19) ишда чизиқли объектнинг номаълум параметрлар функциясини шундай умумий бошқариш кўринишини топиладики, унда параметрларнинг идентификацияланмаслигини келтириб чиқармайди, бунда идентификацияламаслик муаммоси йўқолади.

Локал оптимал бошқариш шу кўринишига тегишли эканлиги аниқланган илгари бу факт фақат объект ҳақида қўшимча ахборотлар маълум бўлгандагина ўрнатилган эди (6)

(20)да илгари бўлмаганликларда қаралган (19) тизими асосида воситали бошқариш алгоритми қаралган. Кўпинча илгари қаралган ишлардан фарқли равишда, бу ишларда адаптив шовқин иштирок этадиган кузатиш ускунаси мавжуд бўлган объект қаралади. Бу факт идентификация ва бошқаришдан ташқари объект ҳолати векторини баҳолаш учун кузатувчи қурилишини талаб этади. Воситали адаптив бошқариш ҳақидаги ишлар ичида, объектларни идентификациялаш учун инструментал ўзгарувчилар усулининг турли модификацияларнинг фойдаланишлар асосий ўринга эга. Шунинг таъкидлаш лозимки инструментал ўзгарувчиларнинг киритиш объектга қайсидир маънода таъсир этувчи шовқинларнинг коореляциясидан қутилиш имкониятини беради. Қўрилган ишлар

натижалари асосида табиий йўл билан воситали адаптив бошқаришнинг бошқа алгоритмлари топилади. Уларда ҳам сирғалувчи ўртача турдаги шовқинларнинг бевосита баҳоланиши ишлаб чиқилади.

Бир гуруҳ ишларда бошқариш мақсади сифатида “тахланган” ва эталон модель орасида мақсадли тенгсизликларни асимптотик бажарилиши талаб этилади. Бу ишларда воситали адаптив бошқариш масаласини ҳал этишда (21)да ишлаб чиқилган мақсадли тенгсизликларни ечиш усули тавсия этилади.

Эталон модели чизиқли стационар объектларни адаптив бошқариш тизимини синтез қилиш масаласи (15,21)да қаралган. Бунда оптимал филтрлаш усулига асосланган адаптациянинг дискрет алгоритми тавсия этилган, уларнинг асимптотик яқинлашиши ўрганилган.

1.3. Адаптив бошқариш тизимида идентификациялаш ва бошқаришнинг усул ва алгоритмлари.

Адаптив тизимлар назарияси замонавий бошқариш назариясининг жадал ривожланаётган соҳаси бўлиб, саноат объектларининг анча мураккаб ва универсал масаларини замонавий автоматлаштириш тенденциясини акс эттиради. Ҳозирги кунда микро ЭҲМ яратилишдаги прогресс натижасида, адаптив тизимларни халқ хўжалигининг турли тармоқларига татбиқ этиш имконияти пайдо бўлади.

Одатда адаптив тизимлар ўзи мосланувчан тизим (ЎМТ) ва эталон модели адаптив тизимларига (ЭМАТ) бўлинади.

ЎМТ ўз навбатида параметрик адаптацияли ўзи мослашувчан ва сигналли адаптацияли ўзи мослашувчанликга бўлинади.

Параметрик адаптацияли ўзи мослашувчан тизимда ростлагич структураси ўзгармайди, аммо унинг параметрлари ўзгаради. Сигналли адаптацияли ўзи мослашувчан тизимда ростлагич структурасида ташқи муҳит шароитларига бошқариш хоссаларига боғлиқ бўлмаслиги учун қўшимча тескари алоқалар ҳосил бўлади.

ЎМТ да объект идентификацияси бажарилади, ЭМАТ да асосий бошқариш тизимини эталон моделга мослаштирилади. Шунингдек ошкор ва ошкормас ўзи мослашувчан тизимлар ажратилади.

Адаптациялаш алгоритмларининг бир неча формалари мавжуд. Биринчи имконият динамик объектларнинг параметрларини кузатиш натижалари асосида баҳолашга асосланган, яъни априор ноаниқликни айнан, тузатишга. Бу баҳолар асосида, бошқариш тизими кутилган хоссаларга эга бўладиган ҳолда оптимал бошқариш ускуналари ва объектни параметрларини боғлайдиган ифодалар ёрдамида, бошқариш ускунасининг параметрлари аниқланади. Бу имконият объект, идентификатор ҳисоблагич ва бошқариш ускуналаридан ташкил топган воситали адаптив тизимга олиб келади. Иккинчи имконият бошқариш ускунасининг параметрларини ўзгартиришга мўлжалланган кузатишларга асосланган. У объект, адаптер ва бошқариш ускунасидан ташкил топган тўғри воситасиз адаптив тизимга олиб келади.

Ҳозирги кунда воситали адаптив тизимларга кўп эътибор қаратилмоқда. Бунинг сабаби воситали адаптив тизимлар синтези усуллари юқори кургазмали ва универ ёндашиш хусусиятига эга. Яна бир сўз сиз ютуғи шундаки ростлагичнинг турли алгоритмларини турли моделларни созлаш алгоритмлари билан комбинирлати имконияти мавжуд бўлиб, тизимда ишлаб чиқиш ва келиб чиқиши бўйича янада мукамалроқ алгоритмлардан фойдаланиш мумкин. Қоида бўйича воситали адаптив бошқариш ишларини бошқариш алгоритми икки қисмдан иборат объект параметрларини баҳолаш алгоритми қонуниятларини англаб олиш жуда қийин бўлади. Математик тавсифлашнинг маълум усуллари татбиқи технологик жараёни функционал ўзгартирувчи деб тасаввур этиш имкониятини беради.

Операторнинг аниқ ифодаланиши танланган моделга боғлиқ бўлади. Булар оддий дифференциал тенгламалар системаси, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар системаси интергал ёки дифференция интеграл тенгламалар чекли айирмалар, шартли зинчлигли ёки тақсимот функцияли

тенгламалар бўлиши мумкин. Ушбу турлардаги моделларнинг ҳар қайсиси маълум доирадаги масалаларни ечиш учун ишлатилади. Кириш ва чиқиш ўзгарувчилари ва операторларни тақдимот этиш усулларига боғлиқ равишда объектларни синфлаштиради.

Бундай объектларни бошқариш тизимини ташкил этиш учун объект ва худди шунингдек унинг кириш ва чиқиш ўзгарувчилари ҳақида катта ҳажмдаги ахборот керак бўлади. Бу ахборотлар бошқариш жараёнини амалга ошириш учун асос бўла оладиган, бошқариш тизимига адекват модел яратиш учун зарурдир

Моделни тузиш ва модел ҳамда бошқариш тизимини такомиллаштириш учун зарур бўладиган икки хил ахборотлар мавжуд: Жорий ва априор .

Объектнинг кириш ва чиқиш ўзгарувчилари ҳақидаги априор ахборот, ушбу объектни бошқариш тизимини структурасини ва параметрларини фаолият киритишни бошқариш қонунини яратиш учун асос бўладиган дастлабки моделни яратиш учун керак

Мураккаб технологик жараён бир ҳолатда турмайди доимо ўзгариб боради. Бу эскириш емирилиш, ташқи таъсирлар натижасида рўй беради. Бу ўзгариш комбинатция қилинганда бошқариш тизими самарали бўлади. Бу эса объектдан олинadиган жорий ахборотлар асосида моделни узлуксиз аниқлаштириб бориш асосида рўй беради. Шундай қилиб жорий ҳолларда бир мартали моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Объектнинг математик тавсифини идентификатциялаш жараёнларининг математик моделлари монандлигини қуришдек асосий босқич ҳисобланади ва шунинг учун технологик жараёнларни моделлаштиришда марказий масалалардан бири ҳисобланади. Бундай жараёнларнинг кўпчилиги фазо ва вақт бўйича тақсимланган кўп фазали, кўп компонентли муҳитни ифодалайди.

Адаптив деганда объект параметрлари ёки структураси ёки бошқариш алгоритмини бошланғич ноаниқлик ва ўзгарувчи иш жараёнида маълум мақсадда кўпинча оптимал мақсадга етказишда жорий ахборотлардан фойдаланиш жараёни билан характерланадиган технологик жараёнларнинг АБТ тушинилади.

Идентификаторли адаптив бошқариш тизими қатор муҳим аҳамиятга эга, улардан идентификацияни автоматлаштириш, идентификация ва бошқариш жараёнининг бирлаштириш унверсаллик ва юқори ишончлиликини айтишимиз мумкин, мураккаб объектлар учун жараёнларнинг идентификациядаги меҳнат талаби тизимини проектлаштириш ёки монтаж қилишнинг меҳнат талаби билан тенг кучли, шунинг учун бу жараённи автоматлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб вариантларни оператив текшириш натижасида вақтни етарли қисқартириш ва идентификация самарадорлигини ошириш имкониятини яратади. Идентификатор ёрдамида вақт давомида кетма -кет объект моделининг номаълум параметрларини аниқлаб борилади ва топилган параметрларнинг баҳолари уларнинг ҳақиқий қийматига мос келади деб фараз қилиб, оптимал бошқаришни топилади.

Идентификациялаш ва бошқаришни бирлаштириш ишни параллел равишда олиб бориш натижасида тизимни тузиш ва ўрганишига кетадиган вақтни қисқатиради. Ундан ташқари объект ҳарактеристикаларини жорий узғаришини компенсация қиладиган ва уларни фаолият жараёнидаги оператив таъсир этадиган ягона имкониятдир. Идентификаторли адаптив тизимни унверсаллиги уларни турли табиатли объектлар учун фойдаланишнинг имкониятини беради.

Юқорида айтилганларни таҳлил қилиб, янги самарали технологик жараёнларнинг пайдо бўлиши ва мавжудларини интенсификаштириш уларни бошқариш тизимларига янада юқорироқ талаблар қўяди деган хулосага келамиз. Бошқариш тизимини синтез қилиш учун жараён тўғрисида етарли даражада тўлиқ априор ахборот йўқ ва хаамиша ҳам бу маълумотни олиш имконияти бўлавермайди. Бунинг сабаби жараёнларнинг мураккаблиги, уларнинг динамикаси уларда

қандайдир аниқ адекват математик ифодани тузиш мумкин эмаслиги самарали бошқариш учун керак бўладиган ҳамма параметрларнинг бевосита ўлчовларини олиш имконияти йўқлиги, шунингдек технологик жараён давомида ва уни бошқариш тизими фаолиятида назорат қилинадиган ва назорат қилиб бўлмайдиган ғалаёнларнинг мавжудлигидир. Бундан холларда бутун тизимни ишончли ва самарали ишлашини таъминлайдиган автоматик бошқаришга ўтиш керак бўлади.

Шундай қилиб динамик объектларни адаптив бошқаришнинг назария ва амалиётида, ҳар бирида аниқ бир динамик объектни бошқаришда фойдаланиш мумкин бўлган кўп бошқариш стратегияси вариантлари мавжуд. Стратегия вариантини танлаш бошқариладиган объектнинг хусусиятларига ва бошқаришда етишиш керак бўлган ўз олдига қўйилган мақсадга боғлиқ.

Идентификация адаптация жараёнининг қисми бўлган воситали адаптив тизимни қуришнинг муҳим томони идентификацияни математик усулини таъминлашдир. Ҳозиргача объектларни идентификацияларида турли яқинлашишлар, усуллар, алгоритмлар ва ҳисоблаш схемари фойдаланиладиган кўп сондаги ишлар чоп етилган (9, 10, 12, 22, 23). Идентификацион усуллар параметрсиз, параметрли ва структурали идентификацияга бўлинади. Структурали ва параметрсиз идентификациялардан муваффақиятли фойдаланиш, биринчи навбатда модел структураси ҳақидаги ахборот миқдорига боғлиқ, шунинг учун кўп авторлар параметрик идентификация муоммосига эътибор қўраётган.

Бу усулларни қўллаш учун априор ахборот сифатида фақат параметрлар аниқ бўлган тенгламасига эга бўлиш лозим. идентификациялаш критерийси ёки қўлланиладиган алгоритмларга қараб бу усуллар ном олишган. Бу енг кичик квадратлар усули (ЭККУ), умумлаштирилган ЭККУ (УЭККУ), максимал ҳақиқатга молик усули (МХУ), бейсов баёлари (ББ) инструментал ўзгарувчилар усули (ИЎУ) параметрларни Кальман фильтери ёрдамида баҳолаш (КФ) ва бошқалар.

ЭККУ усулида кўзатиш сигналлари ва тизимлари ва ташқи таъсирлар ҳақидаги априор ахборотларнинг минимал ҳажмидан фойдаланилади.

Шундай қилиб динамик объектлар ва тизимларни идентификациялашни кўп миқдордаги усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилган. Шу билан бирга таклиф этилган алгоритмларнинг кўп сонли эканлиги, шунингдек динамик объектларнинг кўп турли эканлигидан келиб чиқиб, ҳар бир ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлар маълум синфдаги объект ва бошқариш масалаларига татбиқ этилиши мумкин.

II Боб Созланувчи модели динамик тизимларни адаптив бошқариш алгоритмлари

2.1 Стохастик объектларнинг структураси ва моделларининг параметрлаштирилган тўпламларининг таснифи.

Объект ўзгарувчилари бир ўлчовли чиқиш вектори $\bar{Y}$ ва m - ўлчовли кириш вектори $\bar{U}$ бўлган қандайдир динамик тизимни қараймиз. Қуйидаги чекли айирмали стохастик.

$$y(t) = \sum_{j=1}^p A_j y(t-j) + \sum_{j=1}^q B_j u(t-j) + \xi(t), \quad (2.1)$$

$$t = 1, 2, \dots, N,$$

тенглама билан ифодаланган бошқариш объектини қараймиз бунда $y(t)$ динамик ҳуқуқи ўзининги ўтган қийматлари $U(t)$ векторнинг ўтган қийматлари $\xi(t)$ ғалаён векторининг ўтган қийматлари билан аниқланади.

(2.1) тенламалар оиласи етарлича кенг ва турли стохастик кетма кетликлар ва турли динамик объектларни бошқариш синифини қамраб олади.

(2.1) тенгламани $\nabla y(t) = y(t-1)$ ифода билан аниқланадиган бирлик кечикиш оператор ∇ ёрдамида компакт кўринишда кўйидигича ёзиш мумкин

$$A(\nabla)y(t) = B(\nabla)u(t-1) + \xi(t) \quad (2.2)$$

бу ерда
$$A(\nabla) = I - \sum_{j=1}^p A_j \nabla^j, \quad B(\nabla) = \sum_{j=1}^q B_j \nabla^j$$

$A(\nabla), B(\nabla)$ – p ва q тартибли матрицали полиномлар ; I -бирлик матрица; u, v, ξ – $1, m, 1$ ўлчовли векторлар фараз қилайлик $\xi(t)$ – эркин тасодифий катталиклар кетма –кетмалиги деб. Аммо кўп ҳолларда бундай фараз чегараловчи бўлади.

Шунинг учун $\xi(t)$ ни кўпинча ўрта ва сўнгги вақтда нолли корреляцияли жараён деб қаралади;

•
$$M[\xi(t)] = 0, \quad M[\xi(t)\xi^T(t-j)] = 0, \quad \forall j \geq (v+1)$$

бу ерда M -математик кутиш белгиси, “ T ”-транспонирлаш белгиси. $\xi(t)$ коореляциянинг чекли вақтли холида ўртача сирғалиш жараёни кўринишда тасвирлаш мақсадга мувофиқдир:

$$\xi(t) = w(t) + \sum_{j=1}^v C_j w(t-j) = C(\nabla)w(t) \quad (2.3)$$

бу ерда
$$C(\nabla) = I + \sum_{j=1}^v C_j \nabla^j$$

$$M[w(t) = 0]; \quad M[w(t)w^T(j)] = \rho \delta_{ij}, \quad (2.4)$$

$w(t)$ - ўртача нолли ва $w(t)$ - $t \neq j$ бўлганда $W(j)$ га эркин тасодифий катталиклар кетма кетлиги;

δ_{ij} - Кронекер белгиси

Шундай қилиб (2.2) (2.3) ни ҳисобга олиб қуйидаги кўринишга келади.

$$A(\nabla)y(t) = B(\nabla)u(t-1) + C(\nabla)w(t) \quad (2.5)$$

Агар $C(\nabla)=I(v=0)$, бўлса (2.5) қуйидаги кўринишга келади.

$$A(\nabla)y(t) = B(\nabla)u(t-1) + w(t) \quad (2.6)$$

(2.5) айирмалли тенглама $\{A(\nabla), B(\nabla), C(\nabla), \rho\}$ тўртлик билан тафсифланади, бу ерда ρ - $W(t)$ ғалаёнларнинг мусбат аниқланган ковариацион матрицаси, $A(\nabla), B(\nabla), C(\nabla)$, мос тартибдаги кўп ҳадли матрицалар. Тизимни турғунлигини таъминлаш учун $A(\nabla)$ ва $C(\nabla)$ детерминантларнинг барча ноллари бирлик доирадан ташқарида, $A(\nabla)$ махсус эмас, $C(0)=I$ ва A, C ва B матрицаларнинг энг катта умумий полиминал матрицали карралиси ўзгармас кўпайтувчига ега. Бу

шартларнинг бажарилиши стохастик жараёнларни параметрларини самарали баҳолашни конструкциялашда муҳим бўлган жараёнларнинг асимптотик ковариацион стационарлик ва ўз-ўзидан тўғриланишини кафолатлайди.

(2.1) модел синфидаги стохастик тизимлари идентификациялаш масаласининг сонли ечимини топиш учун, уни параметрлаштириш зарур

$((p_l + q_m) \cdot l)$ матритцани

$\Theta = [A_1 : A_2 : \dots : A_p : B_1 : B_2 : \dots : B_q]^T$ (2.7) ва $(p_l + q_m)$ — ўлчовли вектор — устун.

$$z(t-1) = \begin{bmatrix} y(t-1) \\ \vdots \\ y(t-p) \\ u(t-1) \\ \vdots \\ u(t-q) \end{bmatrix} \quad (2.8)$$

киритиб, (2.1) тенгламани

$$y(t) = \Theta^T z(t) + \xi(t). \quad (2.9)$$

кўринишида ёзиш мумкин. Параметрлаштиришга қўшимча структуралар қўйилса (2.9) дан фойдаланиш мураккаблашиб боради, чунки бу ҳолда чиқиш сигналлари ҳар хил компоненталарига турли регрессион векторлар мос келади. Бундай ҳолларда d -ўлчовли ($d = (p_l + q_m)l$) Θ вектор устун ва $(l \times d)$ ўлчоовли $Z^T(t)$ матрица ҳосил қилиб (2.1) ни

$$\circ \quad y(t) = Z^T(t)\Theta + \xi(t) \quad (2.10)$$

кўринишига, агар объект чиқиши скаляр ($l=1$) бўлса (2.10) асосида

$$y = Z^T \Theta + \xi(t) \quad (2.11)$$

га ега бўламиз, бу ерда Θ ва Z^T вектор параметрлари мос равишда $(p + qm) \cdot l$ ва $(p + qm)$ ўлчовли.

(2.1) тенгламани параметрлаштиришнинг яна бир варианты;

$$y_i(t) = \bar{Z}_i^T(t-1)\Theta_i + \xi_i(t), i = 1, 2, \dots, l,$$

ёки

$$y(t) = \bar{Z}(t-1)\Theta + \xi(t), \quad (2.12)$$

бу ерда $\bar{Z}_i$ n_{ib} ўлчовли

$$\bar{Z}_i(t-1) = [y_i(t-1), \dots, y_i(t-p), u^T(t-1), \dots, u^T(t-q)]^T,$$

$$\bar{Z}(t-1) = \begin{bmatrix} \bar{Z}_1^T(t-1) & \vdots & \vdots \\ \vdots & \bar{Z}_2^T(t-1) & \vdots \\ \vdots & \vdots & \bar{Z}_l^T(t-1) \end{bmatrix} \quad (2.13)$$

(2.9) – (2.12) моделлар A_j, B_j ларга нисбатан чизикли, аммо u – га нисбатан чизикли бўлиши шарт эмас. Шунинг учун $\xi(t)$ гауссли вектор бўлса ҳам u векторнинг эҳтимоллар тақсимооти гауссли бўлмаслиги мумкин.

2.2 Умумлашган энг кичик квадратлар усули асосида стохастик объектларни идентификациялаш.

Кўпинча санаот жараёнлари учун объектга шовқин таъсири вақтида коррелирланганлик характериға эға энг кичик квадратлар (э к к) усули қулланилганда коррелирланганлик параметрининг баҳоланишининг силжишини, бу баҳоларнинг дисперсиясининг ошишини ҳосил қилади. Параметрларнинг баҳоланиш хоссасининг ёмонлашувига олиб келади.

Силжимайдиган баҳоларни олиш учун умумлашган энг кичик квадратлар (УЭКК) усулидан фойдаланилади.

УЭКК усулидан фойдаланиш учун шовқин модели керак. Шовқиннинг чизикли модели автоегрессия (АР) формасида

$$\xi_n = \sum_{j=1}^v C_j(t-j) \quad (2.14)$$

ёки сирпанувчи ўртача (СЎ)

$$\xi_n = \sum_{j=1}^v C_j w(t) \quad (2.15)$$

кўринишида ёзиб олинади икки ҳолда оқ шовқин $W(t)$ – $N(0,1)$, бунда N –нормал тақсимот белгиси, қавсдаги биринчи рақам–математик қутилишнинг, иккинчиси эса бу тақсимотда ўрта квадратик оғишнинг қиймати.

- Агар (2.14)даги C_j коэффициентлар маълум бўлса, модел учун УЭКК баҳоланиши қуйидаги ифодадан топилади.

$$\hat{A} = (X^T \Omega^{-1} X)^{-1} X^T \Omega^{-1} Z \quad (2.16)$$

бу ерда $\Omega = (\Theta \Theta^T)$ – Θ шовқиннинг ковариация матрицаси бўлиб уни $W(t)$ ёки C_j коэффициентлар маълум бўлса топиш мумкин (2.16) баҳолаш

$$Q = \sum_{t=1}^N (y(t) - \hat{y}(t))^2 \quad (2.17)$$

- критерийни минималлаштириш шартидан топилади, бунда,

$$\hat{y}(t) = \sum_{j=1}^p \hat{A}_j y(t-j) + \sum_{j=1}^q \hat{B}_j u(t) + \sum_{j=1}^v C_j \hat{\xi}_{n_j}$$

- шовқин модели учун ёки

$$\hat{y}(t) = \sum_{j=1}^p \hat{A}_j y(t-j) + \sum_{j=1}^q \hat{B}_j u(t) + \sum_{j=1}^v C_j w(t-j)$$

